

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ:МОҲИЯТИ, ҲОЛАТИ, РИВОЖДАНТИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда бухгалтерлик хизматлари, уни ҳозирги ҳолати, эришилган натижалар, ривожлантиришни устувор йўналишлари тадқиқ этилган

Калит сўзлар: бухгалтерлик хизматлари, аутсорсинг, улар билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари, муаммолари ва ечимлари

Rafeev D.R., i.f.n.
associate professor SamISI

ACCOUNTING SERVICES: NATURE, STATUS, DEVELOPMENT DIRECTIONS

Annotation: the article examines the priority areas of accounting services in our country, their current state, achieved results, development

Keywords: accounting services, outsourcing, enterprises engaged in them and organizational and legal forms, problems and solutions

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 11 моддасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тартиби унинг раҳбари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Кичик ва ўрта бизнес шаклдаги корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритишни ихтисослаштирилган ташкилотга (аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва уставида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизмат кўрсатиш назарда тутилган бошқа ташкилотлар) шартнома асосида юклашлари мумкин. Бу эса ҳозирги кунда аутсорсинг хизматларини олиб борилишига ва ташкил этилишига асос яратди.

Аутсорсинг инглизча сўз бўлиб, “out” “ташқарида”, “sourcing” эса “манба” маъносини англатиб, икки хил йўналиш боғланишини билдиради. Яъни бирор корхона маълум бир функционал жараёни бошқа ташкилотларга “ошириш”ини назарда тутди.

Аутсорсинг бухгалтерия бу масофадан туриб малакали соҳа мутахассислари томонидан олиб бориладиган бухгалтериядир. Аутсорсинг бухгалтерия ёлланма бухгалтериядан фарқли равишда, бухгалтерияни қисман ёки вақтинчалик топшириш эмас, узоқ муддатга шартнома асосида ҳамкорлик қилишни кўзда тутди. Аутсорсинг бухгалтерия хизматини кўрсатувчилар аутсорсерлар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда хорижда штатдаги ходимларни таъминлашдан кўра аутсорсинг хизматларидан ва айниқса, аутсорсинг

бухгалтерия хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Беларусда - 30%, Европада - 86%, АҚШда - 92%, энг юкори кўрсаткич эса - Исроилда бўлиб, 96% ни ташкил этади.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи субъектлар тўғрисида маълумот 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига
кўра мамлакатимиздаги бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи
субъектлар сони тўғрисида
МАЪЛУМОТ¹**

Худудлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил январь- сентябрь
Ўзбекистон Республикаси	923	1093	1297	1512
Қорақалпоғистон Республикаси	51	59	65	70
Андижон вилояти	59	62	73	86
Бухоро вилояти	93	92	100	98
Жиззах вилояти	32	37	44	50
Қашқадарё вилояти	27	25	34	45
Навоий вилояти	20	33	28	35
Наманган вилояти	36	42	48	51
Самарқанд вилояти	42	59	78	119
Сурхондарё вилояти	27	28	33	38
Сирдарё вилояти	25	28	29	22
Тошкент вилояти	98	116	133	142
Фарғона вилояти	65	71	77	85
Хоразм вилояти	30	35	53	55
Тошкент шаҳри	318	406	502	616

1-жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, республикаимиз бўйича бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи субъектлар сони 2021 йилда 2018 йилга нисбатан, яъни 923 тадан 1512 тага етган, яъни 163%га ошган.

Бухгалтерлик хизматларини кўрсатувчи корхоналар сонининг ошиши ўз вақтида ушбу соҳага бўлган талабни ошаётганлигига далолат бермоқда. Бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг йиллик хизмат ҳажми ҳам уларнинг сонига мутаносиб равишда ошмоқда. Ушбу соҳа вакиллари томонидан 2019 йил жами хизмат ҳажми 92 188 959,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунларига кўра ушбу кўрсаткич 96 460 494,0 минг сўмни ташкил этиб, 4,6 % га ошганлиги соҳани мамлакатимизда ривожланиш тенденцияси баланд бўлганлигини тасдиқлайди. Бу ҳолатни Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқамиз(2-жадвал).

¹ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти

Самарқанд вилояти статистик маълумотларини ўрганганимизда ҳудудлар кесимида бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи корхоналар сони куйидагичани ташкил этмоқда(2-жадвал).

2-жадвал

Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотларига кўра Самарқанд вилоятида бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи субъектлар сони тўғрисида МАЪЛУМОТ²

Ҳудудлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил январь-сентябрь
Самарқанд вилояти	42	59	78	119
Оқдарё тумани	1	2	2	3
Булунғур тумани	2	3	3	4
Жомбой тумани	1	1	1	1
Иштихон тумани	4	2	3	4
Каттақўрғон тумани	-	-	-	1
Қўшработ тумани	-	-	-	1
Нарпай тумани	1	1	1	7
Паяриқ тумани	1	1	1	3
Пастдарғом тумани	2	3	4	4
Пахтачи тумани	-	-	-	1
Самарқанд тумани	2	4	5	6
Нуробод тумани	-	-	-	1
Ургут тумани	7	9	12	13
Тайлоқ тумани	1	1	1	1
Самарқанд шаҳри	20	32	45	67
Каттақўрғон шаҳри	-	-	-	2

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Самарқанд вилояти бўйича ушбу хизматлар билан шуғулланувчи корхоналар сони 2018-2021 йилларда 3 баробар ошган, фаолият олиб бораётган 119 тадан 67 таси Самарқанд шаҳри ҳудудига тўғри келади.

Маълумотлар яна шундан далолат берадики, вилоят бўйича жами 119 та бухгалтерлик хизматлари билан шуғулланувчи корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг асосий салмоғи масъулияти чекланган жамиятларга (МЧЖ) тўғри келади-80 та, кейинги ўринда хусусий корхоналар-24 та, оилавий корхоналар-10 та, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти-2 та, консалтинг марказлари-3 та, жами ишловчилар сони 390 киши, ўртача бир корхонага тўғри келадиган ишловчилар сони (390/119) 3 кишини ташкил этади.

Изданишлар шуни кўрсатадики, корхоналарнинг номлари хилма-хил ва баъзилари ниҳоятда узун. Масалан, Ургут туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер егалари кенгашлари ҳузуридаги фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази УК(унитар корхонаси) ; Самарқанд туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер

² Samstat.uz - Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси расмий веб сайти

егалари кенгашлари хузуридаги Самарқанд тумани фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази УК(унитар корхонаси).

Ишловчилар сони бўйича ҳам энг кўп ишловчилар Жомбой(30), Тайлоқ(22), Ургут(26), Самарқанд(20), Нарпай (14) фермер деҳқон хўжаликларига тўғри келади. Айрим корхоналар номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилмаган. Масалан, фақат Булунғур бухгалтерия маркази.Аммо ишловчилар сони бу марказда 43 кишини ташкил этади ва ушбу фаолият кўрсатувчи корхоналар ичида вилоятда биринчи ўринда туради.

Олиб борилган изланишлар шундан далолат берадики, юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлар қанчалик таъсирчан бўлишига қарамадан мамлакатимизда бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг олдида бугунги кунда ҳал этилиши ва керакли чоралар кўрилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Улар қуйидагиларни қаритиш мумкин:

1. Ахборот технологиялари саводхонлиги
2. Автоматлаштириш
3. Мижозлар билан муносабатлар
4. Янги маҳорат талаблари
5. Солиқ қоидаларига ўзгартиришлар
6. Мусобақа
7. Ахборот технологиялари хавфсизлиги

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки:

- 1.Бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи субъектлар сони ва улар кўрсатилаётган хизматлар ҳажми хизматлар бозорида ортиб бормоқда
- 2.Бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва мижозлар ўртасидаги шартномалар тўғри тузулишига эътиборни кучайтириш
- 3.Янги бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи субъектлар очилаётган вақтида уларнинг номланиши ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри ва қисқа бўлишига эътибор бериш
- 4.Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги талаблардан келиб чиқиб бухгалтерия хизматлари кўрсатишнинг мос йўналишларни топиш ва жорий этиш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.«Бухгалтери ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республткаси Қонуни ЎРҚ-404 сон 2016 йил 13 апрель
- 2.“Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон қарори
- 3.Аутсорсинг нима? <https://kun.uz/13375754>
- 4.www.stat.uz - Ўзбекистон Республткаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти
- 5.Samstat.uz - Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси расмий веб сайти